

## Рамазонга кирган кишилар учун дарслар (15-дарс)



19:22 / 25.06.2017 4404

### Умра ва эътикоф

Умрани адо этиш улуғ фазлдир. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи вассалам: «Умра умрагача бўлган гуноҳларни ўчиради. Ҳажжи мабрурнинг мукофоти фақат жаннатдир»,** дедилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим).

Рамазон ойида бу фазл икки баравар бўлиб, ажри кўп бўлади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом ҳажжатул Вадодан қайтганларида ансория Умму Синонга дедилар: **«Мен билан бирга ҳаж қилишдан сени нима ман қилди?»** Аёл: «Абу фалончи, эрим», деди.— Уни иккита суғориладиган туяси бор, бирида у ҳаж қилди,

бирини биз суғориб турдик». У зот: **«Агар Рамазон ойи келса, умра қил, бу ойдаги умра ҳажга тенглашади»** ёки **«мен билан бирга ҳаж қилганга»**, дедилар (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Умра зиёратига маҳрам билан борилади. Баъзилар умрага маҳрами бўлмаган аёллар билан бирга боришади. Бу ҳозирги замондаги оммалашган кулфатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Фақат маҳраминг билан бирга сафар қил. Ҳарамга маҳрами бўлмаган аёл кирмайди»**. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен мана бу, мана бу жангга чиқишни хоҳлайман, аёлим ҳажга боришни хоҳлайди», деди. **«У билан бирга бор»**, дедилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти*).

Бу кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюрган ишлари – қўшинни ташлаб, қайтиб аёли билан бирга ҳаж қилиш бўлди. Фасодни четлатиш яхшиликни жалб қилишдан муқаддам туради. Аллоҳ азза ва жалла аёлни умрага рағбатини ва ниятини билади. Бу унда Аллоҳга ва Уни Расулига бўлган тоатни мустаҳкамлайди.

Баъзи умра қилувчилар Аллоҳ таоло унга раият қилиб берган аҳлига эътиборсиз бўладилар. Уларни ташлаб, улардан узоқ муддат йироқда бўлади. Аёлига, болаларга эътиборсиз бўлиб, уларни қаровсиз қолдиради. Оила амру маъруф қиладиган, аҳлини намозга чақирадиган ва мункардан қўл остидагиларни қайтариб турадиган бир бошлиққа муҳтож бўлиб қолади. Яна баъзи кимсалар масъулиятсизлик ва эътиборсиз кишилардир. Улар умрани адо қилишга оила аъзолари билан бирга боради, кириш-чиқишида зобит бўлмаган Макка Мукаррамага уларни ташлаб кетади. Аллоҳ азза ва жалла буни катта бузуқ иш эканини айтди:

**«Албатта, куфр келтирганларга ва Аллоҳнинг йўлидан ҳамда ерлик учун ҳам, четдан келган одамлар учун ҳам баробар қилиб қўйганимиз Масжидул Ҳаромдан тўсганларга ва у ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни тоттирурмиз»** (*Ҳаж сураси, 25-оят*).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Аллоҳни ғазабини келтирадиганлар учтадир»**. Ундан «хотинига зулм қилувчини»ни зикр қилдилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан яна ривоят қилинади: **«Агар киши аёлига зулм қилиб, эътиборсиз бўлса, у адндадир. Аллоҳ уни аламли азоб билан азоблайди»** (Имом Аҳмад ривояти).

У ерга сафар қилганлар яқинларини эътиборсиз ташлаб қўйгани сабабидан қалби покланмайди. Оиласини зое қилиши уни гуноҳкорлигига кифоя қилади. Эй ота! Ҳарамдаги иқоматингда ва эътикофингда гуноҳкор бўлма. Оталар учун қилинадиган ишининг яхшиси буоиласи билан бирга бориб, улар билан умра амалларини адо этиб, биргадиёрига қайтишдир. Бунда икки яхшилик – умра амали ва аҳли билан бирга бориш жамланади. Энг муҳими, оиласини муҳофаза этишидир.

Аллоҳ таолога яқин қиладиган иккинчи солиҳ амал бу эътикофдир. Эътикоф Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиш учун холис ниятда масжидни лозим тутишдир. Бу илм аҳллариининг иттифоқи билан машруъдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам охириги ўн кунликда эътикофда бўлардилар. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом Рамазоннинг охириги ўн кунлигида эътикофда ўтирардилар. Бу Аллоҳ уларни вафот эттиргунча давомли бўлди. Улардан кейин аёллари эътикофда ўтирдилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Эътикоф нафсни тарбиялайдиган, нафсга қарши курашадиган, ҳавои нафс машғул қиладиган нарсалардан ва кўп еб ичишдан узоқлаштирадиган, Қуръони Каримни ўқишга, Аллоҳ таолони зикрига машғул бўладиган улуғ фурсатдир.

Эй эътикоф қилувчи банда! Атрофингда бўш ўтириб, фойдали соатларини зое қилиб, ёнингда дунёвий ишларни гапирувчилардан эҳтиёт бўл. Бу суннат амални ихё қилишга ва қалбингда бу улуғ ибодатни тирилтиришга ҳарис бўл.

**Ҳумайро тайёрлади.**